

КЕЛИНЧАК

Келинлар либосин кийганда-қизлар,
Гунча кулгусидай яшарар юзлар.
Чехрада жам этиб баҳорий илиқликни
Намойиш айлағай наҳорий тиниқликни.
Нозу карашмада шарқона ифбат,
Маъсум боқишларда бир олам ҳикмат.
Қалбларда жўш ураб ҳадсиз туйғулар
Ҳаётбахш нияту эзгу орзулар.
Чарос кўзларида бир олам сеҳр,
Ширин сўзларида муҳаббат, меҳр.
Хусн малиқаси, севин, келинчак,
Сеники шу уй-ю, порлоқ келажак!

ЖУШҚИН.



Қутлаймиз!



Мухтарам Жўра ОРТИҚОВ!

Таваллудингизнинг муборак 60 йиллиги билан чин қалбдан қизгин ва самимий қутлаймиз.

Сиз ўттиз етти йилдан бери дунёда энг олижаноб касб — ўқитувчиликни шарафлаб келаясиз. Ун олти йилдики, жамоамизга сарқорсиз. Бу давр ичида қанчадан-қанча муносиб шогирдлар тарбиялаб воғга етказдингиз, мактабимизни пойтахтдаги энг яхши илм даргоҳлари қаторига қўшишга кўп меҳнат сарфлагингиз. Фаол жамоатчи сифатида эса маҳалла-қўйнинг хурмат-этиборини қозондингиз.

Бугунги шодиёна кунда Сизга инсоний бахт-саодат, мустақкам сиҳат-саломатлик, янги-янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ 155-МАКТАБНИНГ МУАЛЛИМЛАР ЖАМОАСИ.

ТАКЛИФ. ИСТАК

ИСЛОМ ТАРИХИНИ ҲАҚИДА

Жамиятда рўй бераётган иқтисодий таназзул ривожланиб, маънавий таназзулга айланмоқда. Ана шундай бир вақтда ёшлар тарбиясига янгича муносибатда бўлиши турмушнинг ўзи тақозо қилмоқда.


Ёшларни ахлоқ-одоб, чин инсон қилиб тарбиялаш, азият талаблари даражасида билим бериш ишлари мактаб анимасига юкланган. Бу вазифаларни амалга ошириш соҳасида анча ишлар қилинмоқда. 1991 — 1992 ўқув йилидан бошлаб одобнома дарслари мактаб ўқув дастурига киритилди. Кўп йиллар мобайнида ёшларда материалistik дунёқарашни шакллантирмайсиз деб, авлод-авлодлар этиқод қилиб келган ислом динига қарши тарбия бердик. Ҳаёт нима тўғри, нима сохта эканлигини кўрсатди. Урта мактабни битираётган келатган ёшларнинг ислом дини ҳақида, унинг муқаддас китоби — «Қуръони карим» ва ҳадислар ҳақида, мусулмончилик ҳақида ҳеч қандай билим олмаган мустақил ҳаётга йўлланма олишмоқда. Бу — катта фожиа.

Чуқлиқ шу вақтга қадар ёшларнинг астенстик тарбия бериб келдик. Динга қарши ёзилган асарларни ўргатдик. Ҳаётни бўаб кўрсатдик. Ислому таълимоти — кучли таълимот. У ота-болаларимизнинг инсоний фазилатини, инсон-этиқодни қилиб келган таълимотдир.

Мактаб дастурига «Одобнома» ўрнига ислому таълимотидан ўргатадиган бирорта фан киритилса, ёмон бўлмасди.

С. ҲУСАИНОВ,
Хоразм вилояти Ҳазорасп ноҳиясидаги 1-урта мактабнинг олий тоифадаги методист-ўқитувчиси.

САФО ОЧИЛ— 50 ЁШДА



ТОНГ ОТИ

Маркс ЖУМАНИЕЗ ўғлига.

Зулмат ёриб отди тонг, айн муқддо бўлмиш,
Қўшпи кунга ишон, айн муқддо бўлмиш.

Туни бўйи тўлганиб, мижақа қоқмади ёниб,
Ериши осмон-осмон, айн муқддо бўлмиш.

Хоразмдир кўрагим, ҳоким менинг юрагим,
Эй юрак, уйғон-уйғон, айн муқддо бўлмиш.

Қанот қоқсин орзулар, куйсин алам, қайғулар,
Сурайлик даврон-даврон, айн муқддо бўлмиш.

Муборак бўлсин даврон, ушалган шаффоф армон,
Армон кулибди чунон, айн муқддо бўлмиш.

Замзам каби муқаддас, Жайхунимдан келди сас:
«Бузилса ҳар бир тўғон, айн муқддо бўлмиш».

Эркин бўлса табиат, юртга қилғай тарбия,
Элга Сафоли замон айн муқддо бўлмиш.

ҚАНОТИМ-О

Зирқирайди жыллар яратган
Қуюнда қайрилган қанотим-о.
Еронлар қўллағай Яратган!
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Сариқмикан, оқмикан, билмам,
Элидан талоқмикан, билмам.

Имондан йироқмикан, билмам?
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Юртимиз босганда дажжоллар,
Тепкиланди нозик ниҳоллар,
Хира торди ёруғ тисоллар,
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Бузилмишдир асрий оромим,
Сундирдилар жўшқин илҳомим,
Тулдирдилар огуға жомим,
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Совуқ нафас оларди қиллар,
Хўрлангач айби йўқ туқунлар,
Кўкрак керди бизнинг сотқинлар,
Қуюнда қайрилган қанотим-о.

Юртимга истиқлодлар устун,
Устунга суяниб тур бугун,
Сафо Очил, парвоз эт, лекин...
Қуюнда қайрилган қанотим-о-о!..

НАЖОТИМ ЙУҚ

Дўстларим, бул замонда чекмаган фарёдим йўқ,
Найлай, гаггин кўнглима таскинни имдодим йўқ.

Қайга бормай йўлимда тўсиқлар тоғлар каби,
Кўксим кериб куйлашга нурафшон ҳаётим йўқ.

Кимсан деб, манглаймга урарлар донм тўқ-тўқ,
Саройларда битилган рўйхатларда отим йўқ.

Сафони осмон ичра учиб юрмоқ муродим,
Бошқаларга ўшшаган қайрилмас қанотим йўқ.

Ҳақ шоҳидим, бир умр юрагимда эл дарди,
Жисмига жо юртима келтирган инсоним йўқ.

Эй, Сафо Очил, қақиб ичимилар то илигим,
Додимни тинглагани нажибу нажотим йўқ.

ОЛЛОҲДАН ҚЎРҚИНИ

Эй, дўстлар, айлаин насиҳат, оллоҳдан қўрқинг,
Қайманг асло ҳўйла-хўннат, оллоҳдан қўрқинг.

Истиқбол озини яхшилик, яна яхшилик,
Не ажаб, ким билмас саховат, оллоҳдан қўрқинг.

Зариб кулбам аро ченишмам оҳу фиғонлар,
Ғариб даврон этар давомат, оллоҳдан қўрқинг.

Соч-соқолим оқдир дунёнинг зулми-зўридан,
Бўлмағай бу дунё қўймак, оллоҳдан қўрқинг.

Барғдай титрар токи сарғайиб аҳли яхшилар,
Ки, турмушда йўқ хўзри ҳаловат, оллоҳдан қўрқинг.

Қўшни асир этимиш Туркистон бағри, эй, Хуштор,
Хушторман, деб қилманг хиёнат, оллоҳдан қўрқинг.

*) Сафо Очилнинг иккинчи тахаллуси.

ХОТИРА/ СОВРИНИ

Яқинда Избоскан ноҳияси халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси ноҳия кўмитаси таъаббуси билан марҳум ўқитувчи, Улуу Ватан уруши қатнашчиси Ҳайитбой Тўйчиев хотирасинг бачишланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Х. Тўйчиев кўп йиллар спорт мусобақаларида иштирок этиб, ноҳия, вилоят шарафини оқлаган эди.

Хотира мусобақалари миллий кураш, шахмат, шашка, волейбол сингари спорт турлари бўйича ўтказилди. Миллий кураш бўйича лўгумбеклик полков С. Ўртабоев (2-спорт мактаби тренери), шашка бўйича эркаклар ўртасида Н. Хурбоев (10-мактаб), аёллар ўртасида К. Мирзаева (10-мактаб), шахмат бўйича Т. Усаров (14-мактаб) шахсий биринчилигига энг юқори шохсулани эгалладилар. Волейбол бўйича эса 14-урта мактаб командаси биринчилиги қўлга киритди.

М. ҲАМДАМОВ,
Андижон вилояти.

ҲАНГОМА

ЖУГРОФИЯ ДАРСИДА

МУАЛЛИМ: — Наҳотки, харитадан Олмонияни топа олмасанг?

ЎҚУВЧИ: — Ҳангиз Олмонияда тез-тез туман бўлиб туради, дегаддингиз-ку!.. Ҳовир туман тушганга ўхшайди, қўрқинмайинг...

МУАЛЛИМ: — Қора денгиздан ташқари, яна қайси денгизларни биласиз?

ЎҚУВЧИ: — Қизил, Сарик, Оқ, Кўк денгизларни.

ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА

МУАЛЛИМ: — Балиқлар гапирадими?

ЎҚУВЧИ: — Йўқ, гапир олмайди. Чуқни оғзида рида доимо сув бўлади.

Н. МАҲМУДОВ.

«Ю РАКДАГИ СИР...»

Маълумки, «Ўзбекфильм» ҳузуридаги «Ирисфильм» фирмаси кейинги даврда ўзининг дедил фаолияти билан олма орасида катта обрўга эга бўлмоқда. Фирма ташаббуси билан ёшлар ҳаётига оид қатор ҳужжатли фильмлар, муаллимлар сулоласи, унинг машаққатли меҳнатини ифодаловчи жонли образларнинг акс эттирилётганини кўпчилик томонидан қизгин кутиб олинмоқда. Машаққатли меҳнат, изланишлар замирида эса ҳамisha эзулик, яхшилик ва меҳр-шафқат ётади.

Яқинда «Ирисфильм» фирмаси ижодий ходимлари яна бир хайрли ишга қўл уриб катта муваффақиятга эришдилар. Улар ёзувчи Мирзаўлет Тошўлетов қаламига мансуб «Юракдаги сир...» ҳикояси асосида «Олов ичидаги фа-ришта» бадий фильмини су-ратга олиб тугатдилар.

Янги бадий фильмининг афе-



миятга молик томони шунда-ки, ошкоралик шарофати ту-файли ўзбек халқининг қадимий урф-одатларининг шаклланаётгани, миллатнинг узоқ йиллар давомидаги аянч-ли аҳволи, қадриятларнинг қайтадан тикланаётганини, соф севги ва муҳаббат, ёшлар ўр-

тасидаги ифбат, одоб-ахлоқ масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Албатта, бадий фильмининг жонли эпизодларда акс эти-шида кино усталарининг ме-ҳоратларини алоҳида таъкид-лаб ўтиш керак. Режиссёр Ю. Розиков, бош ролларни ижро

этанлар М. Маҳмудова, Б. Муҳаммадқаримов, Р. Урозаев, Х. Нурматов каби санъаткор-лар маҳорати туфайли муваф-фақият қўлга киритилди.

Суратда: «Олов ичидаги фа-ришта» бадий фильмидан лавҳа.

МАКТАБ-ЛИЦЕЙ, МАКТАБ-КОЛЛЕЖ 1-СИНФГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

1—9-синфлар ўқувчилари (пролицей) 4 та асо-сий тилни ўрганишади.

Ҳар бир синфга махсус бириктиб қўйилган тар-биячи жамоатчилик ўртасида тўғри хулқ-одоб, ўзини тутиш қондаларини ўргатади.

10-синфга (лицей) умумий таълим мактаблари-нинг 9-синфини тамомлаган йигит ва қизлар

ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Лицейни тамомлаганлар кийим-кечак тикиш бў-йича дизайнер ҳамда рассом-модельер ихтисосини эгаллашади.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри Акмал Икро-мов ноҳияси, 11-мавзе, 61-а уй.

Телефон: 75-94-61. Транспортлар: «Чилонзор» метросидан — 41, 70, 87, 50-автобусларнинг «11-мавзе» бекати.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий
Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспет-чери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.